O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 1 MAY ◆ SESHANBA ◆ № 50 (26.752)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 3-5 май кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, барчангизни «Баркамол авлод» нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиш, унинг дастлабки қатнашчилари бўлиш бахтига мушарраф бўлиб турганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу мусобақалар юртимизда истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга ошираётган олижаноб ишларимизнинг яна бир ёрқин натижасидир.

Шунинг учун ҳам мустақиллик руҳида униб-ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ана шундай спорт анжуманида иштирок этиши, ўз кучи ва маҳоратини, олижаноб фазилатларини намоён этиши биз учун истиқлолимизнинг энг улуғ ютуқларидан биридир, десак асло муболаға бўлмайди.

Бугунги воқеа ўсмирларимиз ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларига асос бўлаётгани, бу соҳада янги анъаналарни бошлаб бераётгани билан ҳам қадрлидир. У сизнинг нафақат жисмоний чиниқишингизга, балки ҳалол беллашувлар иштиёқи, ғалабалар қувончи билан яшашингизга, халқимизга хос мардлик, танлилик ва бағрикенглик хислатларини кўрсатиб, маънавиятингизнинг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Шу маънода, халқимиз сизнинг сиймонгизда Ўзбекистон спортининг бўлажак юлдузларини, энг муҳими, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида яшайдиган, ўз Ватанининг азиз ва ардоқли фарзандлари бўлган навқирон ва баркамол авлодни кўради.

Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимни бағримга босиб, айтмоқчиман: сиз — Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодисиз, сиз — буюк юрт фарзандларисиз.

Азиз болаларим!

Ишонаманки, сизлар бу ҳақиқатни нафақат спорт майдонларидаги ғалабаларингиз, балки ҳаётдаги эзгу интилишларингиз билан ҳам исбот этасиз.

Қалбингизни ғалаба иштиёқи ҳеч қачон тарк этмасин!

Барчангизга омад ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КУНЧИҚАР ЮРТГА ПАРВОЗ ЭТИБ

ТОШКЕНТ — ОСАКА ҲАВО КЎПРИГИ ОЧИЛДИ

Апрель оқшомида самога кўтарилган «Боинг-767» қанотлари остида мамлакатимиз пойтахти — Тошкент ажиб манзара касб этган. Болаликда эртакларда эшитган гўзал ва сеҳрли шаҳар кўз ўнгингизда намоён бўлади. Замонавий инфоизини ишбилармонлар ташкил этади. Ўйлаймизки, самода қадимги катта карвон йўли — Буюк ипак йўлининг тикланиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади. Осакага қатновлар ҳар жума куни энг замонавий самолётларимиз — «Боинг»ларда амалга оширилади. Йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизматлар кўрсатилади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент — Осака — Тошкент.



НУРОТА ТИЗМА ТОҒЛАРИНИНГ БЕШБАРМОҚОТА ЧЎҚҚИЛАРИ

■ Рассом: Комил ЖОНТОЕВ

ҚУЁШ МЕҲРИНИНГ ЯНА БИР СИНОАТИ

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Бағрикенглик билан эзгу ниятда айтилган маънодор бу мисраларда пурҳикмат яшириниган. Боиси, келажаги буюк давлатимизни бошқарадиган янги авлоднинг баркамол бўлиши йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Келажакда ёшларимиз аҳли фозил, аҳли донишлардан бўлишлари, хорижлик тенгқурларидан сира кам бўлмасликлари учун алоҳида дастур бўйича ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бу борада биринчи бўғин ҳисобланиб, унга асосан 9-синфгача бўлган ўқувчилар жалб қилинади. Бунда ёшларни фойдали ва мазмунли ҳаракатларга йўналтириш, чиниқтириш, жисмоний тарбияга эҳтиёжини ортириш, ғалабага интилишни ҳис этиш каби фазилатларни шакллантириш кўзда тутилган. «Баркамол авлод» ўйини эса касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган спорт беллашувларини ўз ичига олади. «Универсиада» учинчи бўғин саналиб, бунда асосан олий ўқув юртларининг талабалари ўртасида мусобақалар уюштирилади ҳамда йигит-қизларимизнинг жисмоний ва маънавий имкониятлари синовдан ўтказилади. Мақсад — «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури борасида ёшларни спортга жалб қилишнинг ўзига хос тизимини яратиш, жисмоний тарбиянинг оммавийлигини таъминлаш, мактаб, лицей ва коллежларда спорт ишларини яхшилаш, спорт базаларини мустаҳкамлаш, қолаверса, ёшларимизни замонавий спорт кийимларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Жиззахда бошланган «Баркамол авлод» спорт ўйинларини намунали уюштириш, айниқса, мусобақа оловини ўзига хос усулда ёндириш бўйича мамлакатимизда янги анъана юзага келди. Куни кеча Паркентдаги «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш марказида ўтказилган матбуот йиғилишида машъалани ўт олдиришнинг янги усули ҳақида мулоҳаза юритилди. Денгиз сатҳидан минг метр юксакликда жойлашган, дунёда деярли ягона бу марказда қуёш нуридан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бизга қарийб 11 минг кўзгучада акс этувчи қуёшчалар нурини бир нуқтага йўналтириш билан 3 минг даража иссиқликда нодир маъданлар эритилаётгани ҳақида ҳикоя қилишди. Мусобақа машъаласини янгича ёндириш анъанасига мувофиқ ана шу марказда, умуман Паркентда ўзига хос байрам бўлиб ўтди. Туман ҳокими М. Кўчиев ибораси билан айтганда, Паркент қишлоғи шу кунларда янада кўркамлашиб, файзли тус олган. Бир сўз билан айтганда, паркентликлар бу воқеани бир умр эслаб юрадиган бўлишди. Маёқ мақсус технологик ускуна кўмагида ўт олдирилгандан кейин уни биринчи бўлиб жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев қўлига олди.



Кеча эса Жиззахда мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлди. Байрамона тус олган бу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев Юртбошимизнинг табригини ўқиб эшиттирди. Майдон узра мадҳиямиз таралиб, Ўзбекистон байроғи кўтарилди.

Мусобақа иштирокчиларининг тантанали қасамёди янгради.

Паркентдан Жиззахгача эстафетали тарзда югурган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти йигитларининг қўлидан маёқни олган бокс бўйича 1998 йилги жаҳон кубоги соҳиби Лазиз Зокиров ўйингоҳда спорт ўйинлари машъаласини ёқди.



Саралаш баҳсларига 300 минг йигит-қиз жалб қилинганди. Энди сараланган 2000 йигит-қиз финал ўйинларида спортнинг баскетбол, волейбол, кураш, футбол, енгил атлетика, теннис ва сузиш турлари бўйича ўзаро баҳслашадилар. Бир ҳафта давом этадиган қизғин ва муросасиз баҳслардан кейин ғолибларга аталган 265 та соврин эгалари аниқланади.

■ **Мирзо АНВАР**

ОДАМЗОД ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА 1 МИЛЛИОН 200 МИНГ ЙИЛ АВВАЛ ҲАМ ЯШАГАН ЭКАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан ташкил этилган мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон. Мозий дурдоналари» мавзуидаги кўргазма Темурийлар тарихи Давлат музейида иш бошлади.

Фарғона вилояти Сўх туманидаги Селунгур ғорида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашёвий далиллар асосида одамзод Ўзбекистон ҳудудида бундан 1 миллион 200 минг йил аввал яшаганлиги аниқланди. Бу топилма кўргазмада иштирок этаётганларнинг барчасини ҳайратга солди. Бундан ташқари, Тошкент вилоятидаги Обираҳматдан топилган ашёвий далиллар 40-50 минг йил аввал бу ерда одамлар яшаганлигини исботлади. Шунингдек, кўргазмада қадимги аждодларимизнинг ҳаётий тушунчалари ва диний эътиқодлари ҳақида ҳикоя қилувчи лой ҳайкалчалар, митти остодонлар, тошбуюмлар, иккита илон тасвирланган қимматбаҳо қоратош(херезолит)дан ишланган «Тош тумор» ҳам намойиш этилмоқда. Шунингдек, милоддан аввалги II-I асрларга оид аслзода аёл қабридан топилган олтин, кумуш, мис ва қулолчилик буюмлари қадим аёлларимиз ҳаётидан ҳикоя қилади.

Мамлакатимизда 2700 йиллик юбилейи ўтказилишига тайёргарлик кўрилаётган зардуштийликнинг қадимий китоби «Авесто»нинг нусхалари, маросимларга хос тош ва сопол идишлар, сопол тобут — остодонлар ҳам жой олган. Қуръони каримнинг куфий хатида битилган IX аср нусхаси ҳам намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимига бағишланган матбуот конференциясида ЎзРФА президенти Б. Йўлдошев ва бошқа олимлар журналистлар саволларига жавоб қайтардилар.

Минг йиллар қаъридан топилган бу дурдоналар халқимизнинг улкан маънавий бойлигидир. Биздан талаб қилинадигани жуда осон, яъни ушбу даргоҳга ташриф буюриб ўтмишимиз ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиш.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Америка конгресси ва вакиллар палатаси аъзоси Зак Вамп Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор Юсуф Абдуллаевга мактуб йўллади. Хат мазмуни «Жаноб Абдуллаев, биз сизни миллий хайрия нонуштасига таклиф этамиз ва келишингизга ишонамиз», дейилган таклифдан иборат эди. Биз АҚШ сафаридан қайтган олим билан суҳбатда бўлдик.

АМЕРИКАЧА МИЛЛИЙ ХАЙРИЯ ДАСТУРХОНИ



— Юсуф Неъматович, сафар таассуротларини қисқача сўзлаб берсангиз.

— Бу катта расмий тадбир, аниқроғи миллий дастурхон атрофидаги нонушта бундан 10 йил муқаддам америкалик Эйзанхаэр ташаббуси билан бошланган. У жаҳоннинг тинчликсевар халқлари вакилларини нонуштага таклиф қилиб: «Мана яқиндагина бутун жаҳон қирғинбарот урушни бошидан кечирди. Энди азизлар, келинглар, Яратгандан фақат тинчлик сўраб, унга биргаликда илтижо қилайлик», дея даъват этганди. Шундан буён ҳар йили бутун Америка раҳбарияти, машҳур олимлар, ижодкорлар, тадбиркорлар ва меҳмонлар миллий нонуштада иштирок этадилар.

Биз — 190 мамлакатдан келган меҳмонлар Хилтон меҳмонхонасига жойлащдик.

Нонушта эрта тонгда бошланди. Ўн кишилик стол атрофида Бермуд ороли, Эквадор, Канада, Англия ва Американинг ўзидан келган меҳмонлар билан бирга ўтирдим. Улар тинимсиз юртимиз ҳақида сўраб-суриштиришларидан беҳад мамнун бўлдим. Тамадди қилиб олганимиздан сўнг Тенниси университети хори ижросида диний ашулалар тингладик. Америкаган Далай-Ламанинг укаси ўз тилида юракдан илтижо қилиб, Аллоҳдан тинчлик-ҳамжиҳатлик, тотувлик сўради. Аллоҳга илтижо қилганлар 4 минг 900 нафар бўлиб, шулардан 4 нафари мамлакатлар президентлари, 6 нафари эса бош вазирлар эди.

— Миллий нонушта маросимида АҚШнинг янги президенти кичик Жорж Буш ҳам иштирок этибди...

— Ҳа, у рафиқаси билан ўзгача салобат билан меҳмонлар ҳузурига кириб келди.

— Ҳар бир инсонда имон бўлиши керак, — дея сўз бошлади у. — Мен буни Техас ва Мидлан шаҳарларида яшаган пайтларимда чуқур ҳис қилганман. Ҳар якшанбада дадам, ойим билан ибодатга борардик. Ва, шу ерда Худодан бахт-саодат сўраб илтижо қилардик. Яратганнинг ўзи менга ҳамиша мададкор бўлди.

У ўз нутқида уч нарсага асосий диққат-эътиборини қаратди. Биринчиси, яъни энг муҳими — маърифат, халқ таълими. Иккинчиси, халқ соғлиғи-саломатлиги. Учинчиси, халқнинг иқтисодий ҳаёти ва фаровонлиги. Америкада бир шиор бор: «Таълим узлуксиз бўлиши керак». Улар бу шиорни қалбларига жо қилиб илм ўрганишади. Халқ орасида 40 ёшли, 60 ёшли, ҳатто 70 ёшли талабалар бор. Улар ҳар беш йилда янги курсларга кириб ўқишга ҳаракат қилишади. Чунки, муайян соҳа бўйича ахборотлар жуда тез ўзгаради.

Мен учун қувончлиси ва ҳаяжонлиси конгрессмен Жон Питс билан бўлган учрашув бўлди. У киши билан Ўзбекистон ҳақидаги мароқли мулоқотларда бўлдим. Жон жаноблари биз билан маданият, таълим ва иқтисодий соҳаларда алоқа қилиш ҳақида гапирди. Амалий иш қилажаклари ҳақида сўз юритди. Жаноб Питс, умуман америкаликлар юртимизнинг бугуни ва эртасига жуда қизиқишади. Америкача миллий хайрия дастурхонидан туз-наъмак тотарканман, ўз юртимнинг салоҳияти, дунё миқёсидаги нуфузи кундан-кун ортиб бораётганини ҳис қилдим. Истиқлолнинг нақадар олий неъматлигини яна бир бор англадим.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Лутфулла МАМАСОЛИЕВ суҳбатлашди**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 1 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	178,50
1 Австрия шиллинги	22,80
1 Англия фунт стерлинги	502,65
10 Бельгия франки	78,04
1 Голландия гульдени	142,85
10 Греция драхмаси	9,24
1 Дания кронаси	42,20
1 БАА дирхами	94,95
1 АҚШ доллари	348,70
1 Миср фунти	89,69
10 Испания песети	18,92
100 Италия лираси	16,26
1 Канада доллари	226,03
1 Хитой юани	42,13
10 Люксембург франки	78,04
1 Малайзия рингити	91,77
1 Германия маркаси	160,96
1 Польша злотийси	87,88
1 СДР	443,73
1000 Туркия лираси	0,30
1 Финляндия маркаси	52,95
1 Франция франки	47,99
1 Швейцария франки	204,83
1 ЕВРО	314,81
10 Жанубий Корея вони	2,63
10 Япония иенаси	28,16
1 Россия рубли	12,07
1 Украина гривнаси	64,38

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«ҲАВАС» ОШУФТАЛАРИ ШАЙЛАНМОҚДА

Юртимизда теннисниинг оммавийлашишида «Ҳавас» республика турнирининг муҳим аҳамияти бор. Гап шундаки, «Ҳавас» соврини учун курашда асосан нуфузли идораларнинг бошлиқлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, бирлашма, компания, ассоциация ҳамда вазирликларнинг раҳбарлари майдонга тушадилар.

— Яна бир неча кундан кейин «Ҳавас» кубоги учун анъанавий республика мусобақаси бошланади, — дейди Ўзбекистон теннис федерацияси бош котиби Игорь Шепелев. — Бу галги баҳслар ҳам «Динамо» спорт кошонасида ўтказилади. Бу ерда теннис майдончаларини созлаш, томошабинлар учун қулайликлар яратиш йўлга қўйилмоқда. Мамлакатимиздаги чет эл ваколатхоналари ходимлари ҳам теннис ўйнашга талабгор эканликларини ҳисобга оладиган бўлсак, кичик тўп билан муомала қилиш баҳсининг нуфузи тобора ортиб бораётгани кўзга ташланади. Совриндорлик баҳсини республика спорт қўмитаси, теннис федерацияси ҳамда ҳомий ташкилотлардан «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Фонон» илмий- ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликда амалга оширмоқда. Мусобақада вилоят баҳсларида сараланган теннисчилар иштирок этадилар.

■ **Муҳтабар ҚУРБОНОВА**

ТАШАББУС

КЎЗ КЎЗГА ТУШГАНДА...

Ўсмир ёшидаги йигит-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг асл моҳиятини улар онгига сингдириш, ёшларни истиқлол ғояларига садоқат, мустақил Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори барчамизга дастуриламал бўлиши лозим. Мазкур қарорда прокуратура идоралари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилган. Шулардан келиб чиқиб, Наманган вилоят прокуратурасининг ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни мужассамлаштириш бўлими ҳамда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг «Диёнат» газетаси таҳририяти ташаббус билан чиқишди. Яъни, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш мақсадида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўқувчи, талабалар билан учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Жойлардаги мактаб, лицей, коллежларда бўлиб, вояга етмаганлар билан очиқ мулоқотлар, баҳс-мунозаралар ўтказилмоқда. Тадбирларда вилоят шаҳар ва туманлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, ҳоким ўринбосарлари, халқ таълими бўлими бошлиқлари иштирок этишди. Қувонарли томони шундаки, юзмаюз учрашувлар кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Қайси бир шаҳар ва туманда бўлмайлик, ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлари билан фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек, баъзи бир муаммолар ўша жойнинг ўзида ечимини топаяпти. Мисол учун, Поп туманида бўлган мулоқотда 1-мактаб ўқувчилари «Бизнинг ўқув даргоҳимиз қачон компьютерлар билан жиҳозланади?» — дея савол билан мурожаат қилишди. Поп тумани ҳокимининг ўринбосари, вояга етмаганлар билан ишлаш туман комиссиясининг раиси Ў. Икромов янги ўқув йилида битта компьютер синфи ташкил этиш масъулиятини зиммасига олди.

Учрашувларда асосий эътибор ёшлар ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши кураш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш масалаларига қаратилди. Сир эмас, айрим иродаси заиф ёшлар кимларнингдир ёлғон ваъдаларига учиб, бошқа берк кўчаларга кириб қолмоқдалар. Бу каби кимсаларнинг қисмати мисоллар асосида айтиб ўтилди. Шунингдек, вилоят прокуратурасининг «Диёнат» видеоканали ижодкорлари Наманган санъат коллежининг актёрлик бўлими устоз ва талабалари билан ҳамкорликда тайёрлаган «Жарлик» номли саҳна кўринишини барча катта қизиқиш билан қарши олди. Мазкур спектаклда ғаламис, манфур кимсаларнинг алдовларига учиб, арзимаган пул учун Ватан хоинига айланган айрим иродасиз ёшларнинг аянчли тақдири ишонарли тарзда, таъсирли акс эттирилган. Турли диний оқимларга билиб-билмай кириб қолиш, бу йўлнинг охири тубсиз жарга олиб бориши моҳирлик билан тасвирланган. Саҳна кўринишида қатнашган талабалар асар қаҳрамонлари образини маҳорат билан ижро этишди. Шу боис «Жарлик» барчани бирдек тўлқинлантириб, ватанфуруш кимсаларга айланган салбий қаҳрамонларга нисбатан ёшлар қалбида чексиз нафрат ва ғазаб уйғота олди.

Мулоқотлардан сўнг ўқувчи ва талабалар катта маънавий сабоқ олганликларини, бундай ножўя йўлларга асло қадам қўймаслик-ларини, мустақил юртга муносиб, ватанпарвар инсонлар бўлиб камол топишларини қониқиш билан таъкидладилар.

Умуман, ўтказилган тадбирлардан ўзимизнинг ҳам кўнглимиз тўлди. Вояга етмаганлар билан тез-тез мана шундай очиқ-ошкора учрашиб туриш зарурлигини ҳис этдик. Бинобарин, ёшлар тарбияси барчанинг бурчидир.

■ **Баҳодир АҲМЕДЖОНОВ,**
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

СОҒЛОМ БЎЛИНГ!

Деҳқонни даласидан ёки чорвадорни яйловдан айириб кўринг-чи? Аммо касаллик касб ҳам, вақт ҳам танламайди. Демак, қулайлик қишлоқда бўлиши керак. Бу борада юртимизда эзгу ишлар қилинмоқда. Яъни қишлоқ жойларида алоҳида шифо масканлари қуриб ишга туширилаяпти. Уларда қатнаб ҳамда ётиб даволаниш учун ҳамма шароитлар муҳайё. Ана шундай қишлоқ врачлик пункти Касби туманидаги Майманоқ қишлоғида ишлай бошлади. Бир кунда 50-60 кишига хизмат кўрсатадиган шифо масканини тумандаги 8-деҳқон қурилиш бошқармаси бинокорлари тиклашди.

Ўтган йили вилоятда бундай қишлоқ шифо масканлари 80 тадан ошиши, янги йилда яна янгилари қурилиши мўлжалланган эди. Чала ишлар бу йил ниҳоясига етмоқда. Баҳористон туманидаги Амир Темур ва Китоб туманидаги Варганза хўжалигининг Башир қишлоғида ҳам қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Шифохона олдингдами, беморлик ҳам эсдан чиқади.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

ЁНИҚ ҚАЛБ

Депутат бўлиш катта масъулият талаб қилади. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайловларда сайланган 51 фоиз депутатлар ЎзХДП туман кенгашининг тавсияси билан сайландилар. Бу сайланган депутатлар туман партия кенгаши билан ҳамкорликда ишлаб келмоқдалар. Мана шундай халқ вакилларидан бири Акром Қўшназаров кўп йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланади. Ташландиқ жойни таъмирлаб нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Акромширмойнон» кичик корхонаси қурилишини бошлади.

Дастлабки йиллар ишлар қийин бўлди. Давлатимиз мустақиллиги қўлга киритилгач, тўхтаб қолган ишлар олға силжий бошлади. Ҳозирги кунда депутат бошқараётган корхона 1000 га яқин аҳолига нон маҳсулотларини етказиб бермоқда. Корхонада 48 та янги иш ўринлари очилиб, асосан ёшлар меҳнат қилишмоқда. Кичик корхона туман марказидан 35 км. узоқликда бўлса ҳам газ билан ишлаш йўлга қўйилди. Мустақиллик, Наврўз байрамлари кунларида аҳолига текин нон маҳсулотлари бериладиган бўлди.

Депутат А. Қўшназаров қишлоқларда яшаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида ўз хизматини аямайди. У маҳаллаларга табиий газ ўтказиб берди. Натижада 4 та маҳалла аҳолиси табиий газдан фойдаланадиган бўлдилар. Ҳозирги кунда кичик корхона 28 та савдо тармоқларига нон маҳсулотларини етказиб турибди.

Тумандаги 38,46-ўрта мактабларнинг битмай қолган қурилиши унинг саъй-ҳаракати билан охирига етказилди. Табиий офатдан зарар кўрганларга 1 миллион сўмлик ёрдам берди.

Бундан ташқари мачитни таъмирлашга ҳам ёрдам қўлини чўзди. А.Қўшназаров ўз округидаги сайловчилари билан мунтазам учрашиб, уларнинг муаммоларини ечиш борасида ҳам амалий кўмак бериб келмоқда.

Эндиликда у корхона қувватини бир суткада 15 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, маҳсулот турларини эса 22 тага етказишга ҳаракат қилмоқда. Шунда яна 100 та янги иш жойлари барпо этилади. Халқ билан ҳамнафас яшаб, унинг оғирини енгил қилаётган Акром аканинг орзулари амалга ошишига ишонамиз.

■ **Қурдош САИДОВ,**
ЎзХДП Оҳангарон туман кенгашининг биринчи котиби

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТСИЗ ҲАЛ ҚИЛСА БЎЛАДИ

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Бир неча коллежлар, бизнес мактаблари шулар асосида вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси маориф департаментининг республикамизда 10 дан ошиқ Бизнес мактаблари мавжуд. Ана шулардан бири Бизнес мактабнинг Жиззах филиалидир.

Бизнес мактабда бухгалтерия ҳисоби, аудит ва тадбиркорлик фаолияти таҳлили, менежмент, инглиз тили, юрист-иқтисодчи, компьютер оператори ва бухгалтерия ҳисоби каби мутахассис кадрлар тайёрланади. Ҳозирги кунда 200 га яқин талаба таълим олаётган бу илм даргоҳида бор имкониятлар ишга солинмоқда. Компьютер хоналари, кутубхоналар махсус талаблар асосида жиҳозланган. Бу эса келажакда юртга хизмат қиладиган бўлажак кадрларнинг етук мутахассис бўлиб вояга етишида катта роль ўйнайди.

— Ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлаш, уларнинг ўй-фикрлари билан ўртоқлашган ҳолда билим бериш асосий вазифамиз, — дейди бизнес мактаб директори Карим Тагматов. — Ҳозирги кунда талабаларга фан докторлари ўз ишининг етук мутахассислари дарс беришмоқда. Шунингдек, ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Уларга кадрлар етиштириб бераяпмиз. Ўқишни битирган талабаларни ишлаб чиқаришга жойлаштириш масалалари билан ҳам шуғулланамиз.

Замонавий кадрлар тайёрлаш бугунги кун учун долзарб вазифа, айниқса, кичик, ўрта ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимиз салоҳиятини кўтаришда муҳим вазифа ўтайди. Шунинг учун Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга татбиқ қилиш Жиззах бизнес мактабининг асосий иш фаолияти ҳисобланади. Бу йўлда мактаб бир қанча ишларни амалга оширди. Лекин бизнес мактабидаги бир муаммо ҳамон ечимини топганича йўқ. Мактаб «Кафолат» акциядорлик жамияти биносида ижарага туради. Бу бино эса бизнес мактаб талабларига жавоб бера олмайди. Шу хусусда вилоят ҳокимлиги ва Давлат мулкини бошқариш бошқармасига, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига алоҳида бино ажратиб бериши учун расмий мурожаат этилган. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Жиззах вилоят бошқармасининг бизнес мактаби тасарруфига бино бериш ҳақидаги фармойиши ҳам чиқди, аммо раҳбарларнинг алмашиши натижасида фармойиши бекор қилинди. Агар мутасадди раҳбарлар масалага жиддийроқ ва масъулият билан қарасалар муаммони ортиқча ташвиш, харажатсиз ҳам ҳал қилса бўлади. Шаҳардаги «Халқлар Дўстлиги» кўчасида Давлат мулкини бошқариш бошқармасининг «Бизнес инкубатор»и жойлашган бино деярли бўш, лекин мактаб жойлашишига талаб нуқтаи назаридан тўғри келмайди. Аммо «Зилол» маҳалласидаги бинода вилоят телеком шўъба корхонаси баъзи бўлимлари жойлашган, бу иншоот мактаб талабларига тўлиқ жавоб бера олади.

Демак, «Бизнес инкубатор»ни Давлат мулкини бошқариш бошқармаси биносига кўчириб (бошқармада хоналар етарли ва «Бизнес инкубатор»га 2-3 хона етади, вақоланки, «Бизнес инкубатор» давлат мулкини бошқариш бошқармасининг субъекти ҳисобланади), у ерга вилоят алоқа бўлими жойлаштирилса таълим нуқтаи назаридан тўлиқ талабларга жавоб берадиган бу бино бизнес мактаби ихтиёрига берилса, малакали кадрлар тайёрлашдаги шарт-шароитлар ечимини топган бўларди.

Дарҳақиқат, бизнес мактаби қўяётган бу таклифлар жўяли. Бугун республика миқёсида ёш авлодни баркамол руҳда тарбиялашда малакали кадрлар учун барча шарт-шароитлар яратилиб, мавжуд имкониятлар ишга солинаётган экан, бу муаммони ижобий ҳал қилишда Жиззах шаҳар маъмурияти вакиллари ўз ёрдамларини аяшмайди, деган умиддамиз.

■ **Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИШЛАГАН ҚАНДИНИ УРАР!

Янгийўл туманидаги Ниёзов номли ширкат хўжалигида деҳқонлар пудрат усулида ишлай бошлаганларига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ, хўжаликда бу борада яхшигина тажриба тўпланган, ҳатто ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Пудратчилик бошлагандан сўнг деҳқонларимиз аввало, иқлимга мос, саноат талабига хос, муҳими касалликка чидамли, толаси пишиқ «С-65-24» навли чигитни экиб, мўл ҳосил олишмоқдалар, — деди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Йўлдошали Деҳқонов. — Бу йил ҳам 250 нафар оилавий пудратчига ўн йил муддатга берилган 503 гектар ерда ана шу навли уруғ ундириб олинди.

Экин майдонларида айни кезда кўчатлар бир текис ривожланмоқда. Ўтган йилга қараганда бир ой олдинда борилмоқда. Мақсад истиқлолимизнинг 10 йиллиги тўйига муносиб тўёна тайёрлаш.

Хўжаликда эса миллионерлар кўпаймоқда. Масалан, Олмос Ўтбосаров оиласи ўтган йили 10 гектар ердан 52 тонна пахта етиштириб, уч миллион сўмдан ошиқ даромад қилди. Нақд 1 миллион 120 минг сўмни санаб олишди.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОАО «ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН»

По решению наблюдательного совета ОАО «Темирйўлтаъмин» годовое общее собрание акционеров состоится в 10 часов 00 мин по местному времени 31 мая 2001 года по адресу: г. Ташкент, м-в Сергели-4, ул. Проектная Г-24

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Доклад правления ОАО «Темирйўлтаъмин» о результатах финансово-хозяйственной деятельности по итогам 2000 года и основных направлениях развития общества на 2001 год.
2. Утверждение годового отчета и бухгалтерского баланса.
3. Утверждение заключения аудиторской проверки.
4. Отчет ревизионной комиссии.
5. Распределение прибыли и утверждение размера дивидентов за 2000 год.
6. Внесение изменений в состав наблюдательного совета ОАО.
7. Довыборы в состав ревизионной комиссии.

Телефоны для справок: 136-47-00, 136-40-91.

Наблюдательный совет ОАО «Темирйўлтаъмин»

ҲУҚУҚ ВА ИСЛОҲОТ

АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ НИМА?

Яқинда бошланадиган Олий Мажлис сессияси кун тартибига бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар муҳокамаси киритилган. «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган мавзу айнан ўтган сессияда «Судлар тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан кейин истилоҳга кирди. Ва қайсидир маънода «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасига таллуқли бўлгани учун ҳам бу ҳақда маълумот беришга ҳаракат қилдик.

«Апелляция» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «мурожаат қилиш» тушунчасини билдиради. Биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳукм устидан шикоят қилиш мазкур апелляция тартибини ўрнатган қонундан аввал кассация тартибида амалга оширилар эди. Кассация деган сўз эса «бекор қиламан» деган маънони билдиради, аммо апелляция ва кассация тушунчалари ўртасидаги фарқ Қонунда ҳукмни қонуний кучга кирмаган ва қонуний кучга тўлганлиги билан фарқланади, чунки кассация тартибида иш юритиш илгари фақат қонуний кучга кирмаган ҳукмлар устидан ўтказилган бўлса, ҳозир эса фақат қонуний кучга кирган ҳукмларга нисбатан қўлланиши мумкин. Апелляция тартибида иш юритиш илгари эса фақат қонуний кучга кирмаган ҳукмлар устидан юритилади.

Шунинг учун апелляция тартибида судланувчи, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари апелляция шикоятини айнан шу муддат ичида ҳукм чиқарган суд орқали белгилайди.

Белгиланган муддатдан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади. Апелляция тартибидаги протестларни прокурор бериш ваколатига эга.

Қандай суднинг ҳукмига апелляция келтириш мумкин?

Унинг мазмунига биноан жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича Олий судга, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига апелляция шикояти ёки протестини келтириш мумкин. Округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳукмлари бўйича, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари айни шу судларнинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Муддати ўтиб кетган ҳолда апелляция шикояти ёки протестни келтириш бўйича мазкур муддатни тиклаш имконияти борми?

ЖПКнинг янги моддаси апелляция ёки протести бериш муддатини тиклаш тартибини қайд этган ва шу моддага биноан ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин.

Агарда ҳукмни чиқарган суд бундай илтимосномани рад қилса апелляция шикояти билан қаерга мурожаат қилиш мумкин?

Бу ҳолларда ўтказиб юборилган муддатни тиклашнинг рад этилганлиги устидан юқори судга шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин, у муддатни тиклашга ва ишни хусусий ёки протест бўйича кўриб чиқишга ҳақлидир.

Апелляция шикоятини берувчи шахслар шуни ҳам билишлари керакки, ЖПКнинг 497-6 моддасига кўра апелляция шикоятининг берилиши ёки апелляция протести билдирилиши ҳукмни ижро этишни тўхтатиб туради.

Ҳукм устидан шикоят бериш ёки апелляция протести билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ишни шикоятлар, протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек, тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади. Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди мажлисини тайинлаш масаласи ҳам қизиқарли. ЖПКнинг 497-10 моддасига кўра биринчи инстанция судининг раиси апелляция шикояти ёки протести тушган ишни юқори турувчи судда кўриб чиқиладиган кун ва жойини белгилайди ва 497-2 моддасида кўрсатилган шахслар бундан хабардор қилинади (маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили). Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисига суднинг ихтиёрига биноан таклиф қилинадилар.

Апелляция тартибида ишни кўриш қандай амалга оширилади?

Мазкур апелляция инстанциясида иш юритиш биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича ўтказилади.

Ишни кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, шикоят ёки протестнинг важлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг моҳиятини баён қилади.

Судга қўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Суд тарафларнинг сўзларини эшитиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асосийлиги ва адолатлилигини лозим даражада текшириб кўришни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, бевосита суд мажлисида текшириладиган далиллар ҳажмини аниқлаш тўғрисида ва бошқа муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

Шундан сўнг суд мажлисга чақирилган судланувчини, гувоҳларни, жабрланувчиларни сўроқ қилиш йўли билан далилларни текширишга, шунингдек, тарафларнинг илтимослари бўйича ҳамда ўзининг ташаббуси билан ҳужжатларни, баённомаларни ва ишга оид бошқа материалларни ўқиб эшиттиришга киришади.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар, агарда суд уларни чақиришни зарур деб топса апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинадилар.

Далилларни текшириш тугагач, судья тарафлардан суд терговига қўшимча қилиш ҳақида илтимоснома бор-йўқлигини суриштиради ва уларни ҳал қилади.

Апелляция тартибида суд муҳокамасида баённома юритилади ва муҳокама қилингандан сўнг ўз ажримини чиқаради. Мазкур ажрим асосида биринчи инстанция суди чиқарган ҳукмга нисбатан апелляция инстанция судининг қандай қарори қабул қилиниши мумкин?

Апелляция суди қуйидаги мазмундаги ажримларнинг бирини қабул қилади:

— биринчи инстанция судини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестини эса қаноатлантиришсиз қолдиради;

— биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилади ва оқлов ҳукми чиқаради;

— биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилади ва ишни тугатади;

— биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгартириши мумкин;

—биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиш ва ЖПКнинг 419-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича ишни қўшимча тергов юритиш учун юборади;

— биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ишни янгитдан судда кўриш учун юборади.

ЖПКнинг 497-16 моддасига биноан апелляция қарорлари эълон қилиниши билан ноқ дарҳол қонуний кучга киради.

Апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан ЖПКнинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар назорат тартибида шикоят беришлари мумкин.

■ **М. АКБАРХЎЖАЕВА,**
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг бош маслаҳатчиси

«АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

ЭЗГУ ЎЙ, СЎЗ, АМАЛЛАР КИТОБИ

Бу китоб қадимги Ўзбекистон ерларида, Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимларида шаклланиб, зардуштийлик дини билан бирга Туроннинг ва Эроннинг қадимий ўлкалари бўйлаб тарқалган ва ижтимоий, маънавий ҳаётни такомиллаштиришда буюк омил бўлган.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи чорагида ўтроқ деҳқончилик маданияти заминида ўлкамизнинг илк ҳудудий давлатчилиги юзага кела бошлади. Бу жараённинг ғоявий асослари турли қабилалар, уруғ-аймоқларни давлат атрофида бирлаштиришга хизмат қилган Авесто китобида мужассам бўлди.

Авесто китоби бундан 2700 йил муқаддам маълум тартибдаги матнлар тизимига айланган. Ўша даврдаёқ Авесто тили сўзлашув тилидан қадимийроқ бўлган. Зардуштийлик жамоаларида бу эски тил тобора тушунарсиз бўла борган. Янги авлодлар оғзаки анъана асосида Авестонинг улкан матнини ёдда сақлаши қийин бўла бошлаган. Шу туфайли Авестони ёзиб олишга эҳтиёж кучайган. Ниҳоят, унинг илк ёзма матни вужудга келган.

Авестонинг дастлабки китобат шакли, мутахассисларнинг фикрича орамий алифбосида ёзилган. Бу илк нусха македониялик Александр босқинчилиги даврида қуйдириб йўқ қилинган. Аждодларимиз Авестони ёд билганлари туфайли бу буюк мерос бутунлай йўқолиб кетмади. Милоддан аввалги IV асрдан милодий VI асргача Авестонинг ёзма матнини тиклашга бир неча марта уриниш бўлгани тарихдан маълум. Биринчи уриниш Парфия подшоси Валахш (милодий I аср) даврида бўлди. Бу гал парфёний ёзувидан фойдаланилган бўлса эҳтимол. Чунки парфёний ёзуви бу даврда давлат ҳужжатларида тўлиқ ишлатилмоқда эди. Лекин Валахш буюрган нусха бизгача етиб келмаган. Бу ҳақдаги хабар зардуштийлик динининг қомусий маълумотнома китоби «Денкарт» — дин амаллари қўлёзмасида етиб келган.

Авесто китобининг навбатдаги ёзиб олиниши зардуштийлик динининг сосонийлар давридаги Эрон салтанатида (226-651 йиллар) давлат дини мақомига кўтарилган вақтга тўғри келди. Энди Авестонинг мураккаб тил хусусиятларини ёзувда тўғри акс эттириш мақсадида ўрта босқич форсий-пахлавий алифбосининг ҳарф шаклларига қўшимчалар киритиб, махсус «авесто» алифбоси яратилди. Авестони кўчириш ишлари Хусрав I Ануширвон (531-579 йиллар) даврида охирига етказилди.

Хусрав даврида ёзиб олинган Авесто 21 та китобга бирлашган эди. Унинг ҳар бир китоби «Наск» деб аталиб, алоҳида номга эга эди. 21 «наск» бўлишининг сабаби шунда эдики, зардуштийликнинг энг муқаддас ҳисобланган имон дуоси «Ахуна варйа» 21 та сўздан иборат бўлган. Гўё бу дуонинг ҳар бир сўзига бир китоб маъноси юклангандек ҳисобланган.

Авесто китобининг тарихий тақдири араб истилоси туфайли ғоят мураккаб бўлган. Ислом динининг Эрону Турон ерларига кириб келиши зардуштийликнинг барҳам топишига сабаб бўлди.

Авестонинг нусхалари аёвсиз йўқ қилинди. Нафақат Авесто, балки араб истилосидан аввалги ўнлаб ёзувларимизда битилган барча китоблар, сон-саноқсиз ҳужжатлар ўтга ташланди.

Эрон ва Ўрта Осиёда ислом-ни қабул қилишни истамаган баъзи зардуштий жамоалари араблар истилоси етиб бормаган ерларга қочиб ўтганлар. Шундай маконлардан бири Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоғида жойлашган ҳозирги Мумбай ва Гужарот вилоятлари бўлди.

Зардуштийлар бу ўлкада ялписига порслар деб атаб келинади. Ана шу порслар Авестонинг энг зарур қисмларини сақлаб қолишган.

Бизнинг давримизгача етиб келган Авесто китобининг қисмлари қуйидаги тўрт китобдан иборат:

Видевдат — «девларга қарши (кураш) қонунлар (и)»; Ясна — қурбонлик, назру ниёз маросимларида ўқилган дуолар; Яштлар — зардуштийлар томонидан бутун эзгу дунёни яратган худо деб тушунилган Ахура Мазда ва унга эзгулик йўлида хизмат қилган ёзатлар (маъбудлар)ни шарафлаб айтилган алқов (гимн)лар йиғиндиси; Виспарат наски барча соҳаларнинг илоҳий ҳомийлари бошчилари шаънига мақтовлар.

Булардан фақат 22 бобдан иборат «Видевдат» китобигина бутун етиб келган.

Авестонинг Ясна наски таркибида Заратуштра (Зардушт) томонидан яратилган 17 шеърий асар етиб келган. Улар «Гоҳ»лар, яъни қўшиқлар деб аталади. «Гоҳ»ларда Заратуштранинг ижодкор сифатидаги шахси, унинг тарихий тақдири билан боғлиқ лавҳалар учрайди. Асос эътибори билан «Гоҳ»лар худо Ахура Мазданинг «пайғамбари» Заратуштранинг одамларга ҳақиқий дин — Маздага эътиқод дини маъносини тушунтиришга бағишланган асарлари эди. Лекин «Гоҳ»ларда ҳали фан тушуниб етмаган мавҳум ишоратлар жуда кўп. Шунга қарамасдан «Гоҳ»лар энг қадимги фалсафий, ижодий маҳсулот сифатида эзгуликни қўйловчи адабий-тарихий асар сифатида ғоят қимматлидир.

Авесто китоби ҳақида юнон, форс, араб тилли манбаларда маълумотлар етиб келган. Унинг мазмуни билан қизиқиш, ўрганиш ишлари илк босқич китобат қилиниши даврлариданоқ бошланган. Ҳар гал Авесто кўчирилиши, йиғиб тартиб берилиши жиддий матншунослик тадқиқотлари билан боғлиқ бўлган.

Авесто тил хусусиятларини авлоддан авлодга тушунарли қилиш учун кўплаб шарҳлар яратилганки, улар «Зенд Авесто» («Авестони билиш») деб аталган. Бундай шарҳлар катта филологик тадқиқотлар тажрибасини талаб қилган.

Ўзбекистонда Авестони ўрганиш ишини Абу Райҳон Беруний бошлаб берган, десак хато бўлмайди. Унинг «Осор ул-боқия...» асарида Авестога катта ўрин берилган.

